

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI

GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI

BOSHLANG'ICH TA'LIM USLUBIYATI KAFEDRASI

OLIMOVA FARANGIZ

5141600-BOSHLANG'ICH TA'LIM VA SPORT-TARBIYAVIY ISH KUNDUZGI TA'LIM YO'NALISHI
BO'YICHA BAKALAVR DARAJASINI OLISH UCHUN « **BOSHLANGICH SINFLARDA
SINONIMLAR USTIDA ISHLASH** »
MAVZUSIDAGI

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Rahbar: F.SHARIPOV

GULISTON – 2016

ГУЛИСТОН – 2005

Мундарижа

К И Р И Ш,, 3

I боб. КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН СИНОНИМЛАР УСТИДА ИШЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ – МЕТОДИК АСОСЛАРИ,,,,,,,,,,,,,	6
1.1. Луғат устида ишлаш жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларни синонимлар билан таништириш,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,	6
1.2. Бошланғич синфларда синонимлар устида ишлаш методикаси,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,	17
II боб. ЛУҒАТ УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНОНИМЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ ,,,,,,,,,,,,,,	23
2.1. Кичик ёшдаги ўқувчилар билан синонимлар устида ишлаш жараёнига технологик ёндашув,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,	23
2.2. Кичик ёшдаги ўқувчилар билан синонимлар устида ишлашда дидактик воситалар. ,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,	51
2.3. Синов- тажриба натижалари ,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,	58
ХУЛОСА ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,	60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,	63

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» биз

ўқитувчиларни халқимизнинг энг қиматли бойлиги бўлмиш ёш авлодни ҳаётимизнинг юксак талабларига кўра ҳар жиҳатдан етук, мустақил давлатнинг моҳир, фаол, баркамол авлодлари қилиб тарбиялашга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор беришга жалб этмоқда.

Ана шундай шарафли вазифани биз ўқитувчилар бошланғич синфдаёқ амалга оширишимиз, айниқса, она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга, ўз фикрларини тўлиқ баён қилишга, эркин, мустақил фикрлай олишга, сўз луғатининг бой бўлишига ўргатишимиз лозим.

Ҳукукий демократик жамиятда болалар умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим керак. Аммо билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир.

Бошланғич синфларда синоним ҳақида назарий маълумот берилмайди, аммо синонимлар ҳақидаги тушунча амалий машқлар ёрдамида шакллантирилади. Биз 1-синфдан бошлаб ўқувчиларни берилган сўзларни синонимини топишга, айтиш мумкинлигини тушунтиришга ўргатиб боришимиз керак.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг луғат бойлигини оширишда, уларнинг фаолликка ундашда сўзнинг туб маъносини аниқлаш, шакл ва муносабатига доир сўзларни аниқлашга, машқлар ёрдамида ўқувчиларга ўргатиб борамиз.

Методист олмилардан Қ. Абдуллаева, К. Қосимова, Г. Ғофурова, Ҳ. Ғуломова, Р. Ашрапова, М. Одилова, Ё. Ғуломов, А. Ғуломовларнинг ишларини назарий жиҳатдан ўрганиш ишимизга асос бўлди.

Луғат устида ишлаш, сўзнинг шакл маъно турлари устида ишлаш, ўқувчиларга синонимларни ўргатиш усуллари, воситаларни ишимизнинг асосий йўналиши қилиб олдик. Шу боис, биз битирув малакавий ишимизни «Бошланғич синфларда синонимлар устида ишлаш» деб номладик.

Биз бошланғич синфдаёқ ўқувчиларни луғат бойлигини оширишга, сўзларнинг шакл ва муносабатларига кўра турини аниқлашга киришмоғимиз лозим. Лекин бошланғич синфлар 1-4 синфлар учун она тили дарсларида

фақат 1-4 синф – сўз туркумларини ўрганишда машқлар тизимида синонимларни ўрганиш бўйича машқлар берилган. Бизнингча, «Сўзларнинг шакл ва маъно» муносабатига кўра турлари 3-4 синф она тили дарслигига мавзу сифатида киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тадқиқот ишимизнинг **мақсади** - бошланғич синфларда синонимлар устида ишлашнинг замонавий шакл ва усуллари, уни амалга оширишнинг энг мақбул жараёнларини аниқлаш.

Тадқиқот ишимизнинг **объектини** – бошланғич синф она тили дарслари, **предметини** – бошланғич синфларда синонимлар устида ишлаш жараёни этиб олдик.

Мавзунинг долзарблиги, мақсади, объекти, предметида келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишимизнинг қуйидаги **вазифаларни** белгилаб олдик:

1. Бошланғич синф она тили дарсларида синонимлар устида ишлашнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
2. Бошланғич синф ўқитувчиларининг синонимлар устида ишлаш тажрибаларини кўзатиш ва таҳлил этиш;
3. Кичик ёшдаги ўқувчиларга синонимларни ўргатишнинг энг қулай усуллари, воситаларидан самарали фойдаланиш;
4. Тўпланган назарий-методик маълумотлар ва амалий тажрибалар асосида услубий тавсиялар бериш.

Битирув малакавий иш кириш, икки боб ва унинг тақибий қисмлари, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН СИНОНИМЛАР УСТИДА ИШЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ – МЕТОДИК АСОСЛАРИ

1.1. Луғат устида ишлаш жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларни синонимлар билан таништириш

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билимдон бўлиб етишувида луғат бойлиги қанчалик кўп бўлса, сўзларнинг маъносини яхши ўзлаштиришса, унинг нутқи шаклланади.

Луғат устида ишлаш, сўзларнинг маъносини ўзлаштиришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- а) ўқувчиларни она тилининг луғат бойлиги билан таништириш;
- в) луғат тузишдаги сўзларни нутқда тўғри, ўринли қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш;
- с) ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни янги сўзлар билан таништириш;
- д) шевачилик ва бошқа таъсирлар туфайли ўқувчилар нутқида учрайдиган, адабий тилга хос бўлмаган сўзларни тугата бориш каби мақсадларни кўзда тутати. Айниқса, бошланғич синфларда синонимнинг ўрганиш сўз маъноларини осон ўзлаштиришга олиб келади.

Бошланғич синфларда синоним ҳақида назарий маълумот берилмайди, аммо синонимлар ҳақидаги тушунча амалий машқлар ёрдамида шакиллантирилади. Синонимлар билан элементар тарзда ишлаш 1- синфдан бошланади, 2-3-4 синфларда берилган сўзни синонимни топиш ўргатилади.

Қ. Қосимованинг «Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси» қўлланмасининг «Луғат устида ишлаш» бўлимида синоним, синонимга оид қандай машқлар ўтказиш лозимлигини қайд қилади.

Синоним ва улар устида қандай машқлар бажариш: берилган синоним сўзларини гуруҳлаш, берилган сўзга синонимлар танлаш, тушуриб қолдирилган синоним сўзларни ўз ўрнига қўйиб матнни кўчириш каби вазифалар бажарилади [15].

Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова ва бошқалар томонидан яратилган «Ўзбек нутқи маданияти ва услубиёт асослари» қўлланмасида синонимлар ҳақида тўлиқ фикр баён қилинган: Синонимлар ҳам тилнинг катта бойлиги ҳисобланади. Унинг нутқ маданиятидаги ўрни ҳам бекиёсдир. Ўзбек тили синонимларга бой тил эканлиги ишда таҳлил қилинади. Масалан, умрбод-абдий, мангу; мазали-хуштам, тотли, ширин, лаззатли; доғули-мўлтони, килвир, муғомбир, қув, айб, гуноҳ каби.

Синонимларнинг ҳаммаси ҳам услубларга, нутқ кўринишларига хосланиш хусусиятига эгадир. Улар нарса-ходиса, ҳаракат кабиларга инсоннинг турли муносабатларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам, тилнинг тасвирий воситаси ҳисобланади. Жумладан, тушкунлик ва таназзул сўзларини олайлик. Бу иккала сўз бир-бирига синонимдир. Бироқ улар маъноларига кўра ҳам, услубий хосланиши, тушунчага инсоннинг муносабатини ифодалашига кўра фарқ қилади. Тушкунлик сўзи икки маъноли 1. Тобора орқага кетиш, ёмонлаша бориш. Таназзул сўзи бир маънони ифодалайди.

Синоним қаторларга кирувчи барча сўзлар ана шундай жиҳатлари билан фарқланиб туради: бет, афт, башара, чехра каби.

Синонимлар нутқнинг ранг-баранг бўлишини таъминлади, уни жозибадор, таъсирчан қилади деб қайд қилинади [].

Б. Менглиевнинг «Она тили дарсларида сўз маънолари таҳлили» мақоласида ўқувчиларнинг сўз маъноларини ўзлаштиришда катта аҳамият касб этади.

Мақолада сўз маънолари, кўчма маънолар ҳақида ҳам фикр билдирилган, мисоллар келтирилган. Маълумки, мустақил сўзлар борлиқ ходисаларнинг онгдаги акси бўлган тушунчаларни ифодаловчи маъноларга эга. Борлиқдаги бир-бири билан қайсидир жиҳатдан боғланган сўз ёки бир неча ўхшаш нарса-ходисаларни ифодаловчи сўзлар кўп маънони ва тушунчани акс эттирувчилари эса маънодош сўзлар сифатида баҳоланади. Бироқ кўп маъноли сўзлар масаласига келганда, сўз маъносининг кўчиши

муаммоси борлиқ ҳақиқатига нечоғлик мувофиқлигига алоҳида диққат қилиш лозим бўлади. Масалан, бир сўз иккинчи бир тушунчани ифодаланда унинг фонетик қиёфасида ҳеч қандай ўзгариш юзага келамайди. Аммо у ифодалаётган иккинчи маъно иккинчисидан тубдан фарқ қилади. Чунки у акс эттираётган тушунчалар бутунлай бошқа-бошқа. Кўриш аъзоси ва ёғочнинг ўйиғи алоҳида-алоҳида, тушунчалардир. Вужудга келган маънони кўчма маъно деб аташдан кўра ҳосила маъно дейиш мақсадга мувофиқдир [5].

Р. Расулов, И. Умировнинг «Ўзбек тилида синоним парафразлар» мақоласидла шундай дейилади.

I. Синонимия ходисаси сўздан бошқа тил бирикмаларида ҳам мвжуд. Аниқроғи, тилдаги тасвирий воситалар гуруҳига кирувчи парафразларда ҳам ушбу ходиса кузатилади. Таъкидлаш лозимки, парафразлардаги айни ходиса ўзига хос бўлиб, у шу кунгача илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганилмаган. Синоним парафразлар маълус бир мақсадга кўра муайян бир сўз ўрнида келиб, сўзнинг шу сўз ифода этаётган предметини характерли, образли томонларини очиб берувчи ортиқ тасвирий ифодаларни қўллаш натижасига ҳосил бўлади: Ойнаи жаҳон, зангори экран-телевизор; саломатлик посбонлари, «Оқ халатли» кишилар-тиббиёт ходимлари; Жаҳонгир, Ислом шамшири, Парвардигорнинг қиличи-Амир Темур; ҳаво кемаси, «Пўлат қуш»-сомалёт; ҳуқуқ посбонлари, осойишталик посбонлари-ички ишлар ходимлари ва бошқалар.

II. Парафразлардаги синонимия ходисаси, сўз синонимиясидан фарқли холда, маънодошлик асосида эмас, балки сўз маъносининг кўчиши орқали юзага келади: Эски ўзбек адабий тилининг асосчиси, «Ўтган кунлар» романининг муаллифи Абдулла Қодирий.

III. Синоним парафразларининг муҳим томонларидан яна бири шундаки, баъзан улар ўзидан бошқа синонимик қаторларнинг ҳосил бўлиши учун ҳам хизмат қилади. Қиёсланг: «Зангори кема», «Пўлат от» каби сўз бирикмалари ва шундай вазифани бажариш имкониятига эга бўлган парафразлардир.

Дастлаб бу синоним парафразлар предмет номини ифода этишда қўлланган. Кейинчалик эса қайд этилган синоним парафразлар асосида «Зангори кема» капитанлари, «Пўлат от» чавандозлари каби тасвирий ифодалар яратилган. Бу парафразларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда шахс тушунчаси воқеалашади. Аниқроғи, бундай синонимик парафразлар нутқда шахс ифодаси учун ишлатилади.

IV. Парафразлар, хусусан, синоним парафразлар тилимиз бойлигини яққол ифода этувчи муҳим нутқий воситалардан ҳисобланади.

Ҳ. Шамсиддиновнинг «Семинарларда миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига ўтиши» мақоласида фалсафага таъриф беради. Сифат ва миқдор объектив воқеяликнинг муҳим томонларини акс эттирадиган фалсафий категориядир. «Сифат-предметнинг муҳим муайянлиги бўлиб, шу туфайли у бошқа предметдан эмас, айти холда предметдан иборат бўлади ва бошқа предметлардан фарқ қилади».

Миқдор нарсанинг шундай муайянлигидирки, шу туфайли уни бир жинсли қисмларга бўлиш ва бу қисмларни бир бутун қилиб тўплаш мумкинлигини қайд қилади.

Синоним сўзлар денотат билдиришига кўра бир нарсани билдиради, аммо уларнинг миқдор жиҳатдан бир нечалиги ҳар бирининг маълум даражада услубда қўлланилишига кўра хосланилишини, яъни сифат жиҳатидан фарқини юзага келтиради. Масалалар келтирилган.

Демак, тилда ҳам диалектиканинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунига амал қилинади. Бундай миқдорий ўзгаришлар тилнинг ифода имкониятларини кенгайтириш эҳтиёжи таъсирида рўй берган, баъзан эса тил воситаларининг нутқ жараёнида тежалиши натижасида амалга ошади [8].

Ф. Назиржониевнинг «Миртемир шеъриятида синонимларнинг қўлланилиши» мақоласида Миртемир асарларида шеърӣ парчалардаги синонимик қаторни ташкил қилувчи синонимларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади. 1) Поэпик синонимлар; 2) жонли халқ тилига оид

синонимлар; 3) диалектал синонимлар; 4) архаик синонимлар; 5) кардош тилларга оид синонимлар, неологик синонимлар.

Бундай синонимларни Миртемир шеърларидан смисоллар келтирган ҳолда изоҳлайди. Масалан, Поэтик синонимлар.

У шеъриятида кишилардаги гўзалликни ифодалашда фойдаланилади:

Бу у шеъриятида эса кир, кўмир, ғубор каби синоним сўзлардан фойдаланган.

Ёввойи холим кўриб,
Биров ёнимга келмас,
Сочларим ўсиб кетган,
Таним кир, кўмир, ғубор.

Миртемир шеърияти жуда синонимларга бой. Дарс жараёнида ўқувчини ижодий ишга йўналтиришда ана шундай синонимлардан фойдаланиш мумкин [6].

Нурманов А., Расулов Р. Ўзбек тил жадвалларида синоним ва унинг турлари ҳақида жадвалда тўлиқ маълумот келтирилган [7].

Саидов Р., Набиев Т. лар Нутқ ўстиришда синонимлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканини, у нутқ ўстиришда алоҳида ўрин тутишини машғулотлар асосида таъкидлайди [10].

Эгамбердиева Ш. Маънодош сўзларнинг қўлланиши қўлланмасида Ғ. Гулом шеърӣ асарларини ўрганишда синонимлардан фойдаланган ҳолда, унинг нечоғлик аҳамиятига эга эканини кўрсатиб берган [14].

А. Хожиевнинг Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ўқувчиларнинг луғатини бойитишда асосий омилдир [18].

Т. Ғаффорова, Ш. Нуруллаева, О. Ҳайдароваларнинг «Бошланғич синфлар учун она тили ва ўқишдан дидактик методлар» қўлланмасидан синонимларни ўрганишда фойдаланиш мумкин. Қўлланмада таълимда технологик ёндашув, дарс намуналари, дарс намуналари, она тили дарсларида ўйналадиган дидактик ўйинлардан: (ўзим текшираман, у ким бу

нима?; топогон, нотўғри жумла, сирли сўз ва бошқалар), ҳаракатли ўйинлар, тарқатма материаллар, ресурслар, крассвордлар ўрин олган. Бу эса ўқувчиларнинг луғат бойлигини оширишда, ақлий фаолиятни ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади [17].

Қ. Хусанбоевнинг «Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари» монографиясида «Ақлий хужум» методига чуқур тўхталган. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатлари кўра турларидан бўлган синонимларни ўрганишда катта роль ўйнайди.

Бугунги миллий тарбияшуносликка «интерфаол методлар» номи билан кириб келаётган методлар ҳам ўқувчи-ўқитувчидан ортиқча рухий ва жисмоний куч сарфламай, бошқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутди. Қисқа вақт мобайнида маълум назарий билимларни ўқувчиларга етказиш, унда айрим фазилат юзасидан кўникма малака ҳосил қилиш, маънавий сифатларни шакллантириш шу билан бирга уларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва чаққонлик талаб қилади. «Ақлий хужум» методининг мақсади ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини ошириш, уларни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, ҳаммасини бир хил қолипда фикрлашдан озод қилиш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўплаш ва масалага жиддий ёндашувни таъминлашдан иборат. Бу методдан фойдаланилганда ўқувчилар олдига муайян бир масала қўйилади. Мазкур масала бўйича ўқувчиларнинг онгини ақлий мувозанатдан чиқариб, савол-жавоблар ўртага ташланади. Иштирокчиларнинг эркинлиги таъминланади. Билдирилган фикрларни асосланиши талаб этилади. Баҳс мунозара шундай давом этади.

III-IV синфларда Она тили дарсларининг «сўз туркумларини ўрганишда» сўз маъноларини яъни синонимларни ўрганишда «Ақлий хужум» методидан фойдаланиш самарали натижа беради. Чунки у ўқувчиларни мавзунини тез ва осон ўзлаштиришга ёрдам беради.

А. Ғуломовнинг «Она тили ўқитиш принципи ва методлари» кўлланмасида «Лексикология» ўқувчиларда сўзга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялайди. Улар бу бўлимни ўрганиш орқали сўз гўзаллигини кенгроқ ҳис қиладилар. Айниқса, ўз ва кўчма маъноли сўзлар, бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар, синонимлар устида иш олиб борилад экан, ўқувчиларга ўз она тилига муҳаббат, бу тил билан фахрланиш ҳиссини тарбиялайди.

Она тили дарслари учун танланадиган матнлар қанчалик тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлса, бу принципни амалга ошириш имкониятлари шунча кенгайди. Ўқитувчи томонидан танланадиган матнлар назорат ўрганилаётган тил ходисаларига мувофиқ келиши, балки кучли тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Танланадиган матнларда мавзулар жиҳатидан ранг-баранг бўлса, ўқувчиларнинг тил материалларига қизиқиши кучаяди [16].

Назарий масалалар тил ходисаларини мустақил кузатиш, таққослаш, умумлаштириш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш орқали янги билимлар олишга қаратилган. Бу масалалар, асосан, ўқитувчининг ижодий фаолият тажрибасига таянган ҳолда тилнинг назарий асосларини очишга хизмат қилади. Айниқса, ўзбек тилининг назарий асосларини ўрганишда лингвистик масалалар муҳим роль ўйнайди.

Ўқувчи бир-бирига яқин, шакли ҳар хил, маъноси бир хил бўлган синонимларни кузатиш, таққослаш ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш орқали кенг билимларни эгаллашга томон дадил қадам ташлайдилар.

Масалан, дўст-синоним қатор ҳосил қилинг. Синоним деганда нимани тушунасиз? Кулди, илжайди, хоҳолади-бу сўзлар фарқланадими?

Қайси белгиларига қараб сўзлар кўп маъноли ва бир маъноли сўзлар дейилади. Нутқда кўп маъноли сўзлардан фойдаланишнинг қандай аҳамияти бор каби.

Синонимлар ўқувчиларнинг луғат бойлигини оширишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Синонимлани ус гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Луғавий синонимлар:

- а) сўз орасидаги синонимик муносабат; тутмоқ-утламоқ
- б) фразеологизмлар орасидан синонимик муносабат; кўз
кирини ташламоқ-назар солмоқ; мазаси қочди-таби йўқ;
баланд келмоқ-юқоридан келмоқ
- в) сўз ва фразеологизм орасидаги синонимик; ўпкасини

қўлтиқлаб чиқди-оёғини қўлига олиб чопди-шошди; тарвузи
қўлтиғидан тушди-хавсаласи пир бўлди-бўшашди каби.

Аффикслар синонимияси:

- а) сўз ясовчи қўшимчалар синонимияси ли-сер унумли, серунум,
серсув, сўвли, шафтоли;
- б) шакл ясовчи аффикслар синонимияси: ишлай-ишлай чарчади,
ишлаб-ишлаб чарчади.

3. Синтактик синонимлар: Укам учун нима олдим-укимга олди, укамни
деб олдим.

Синонимларни барча турлари ҳам она тили учун характерлидир. Сўз
синонимлари, айниқса, от, сифат, феъл туркумларида кўп учрайди.

Аффикслардаги синонимия ходисаси ўзбек тилиди асосан шахс отлари
ясовчи аффикслар, белгига эга эканлиги-эга эмаслик маъноларини
ифодаловчи аффикслар доирасига кенг тарқалгандир. Гаплар орасидаги
муносабат ҳам анча тараққий этган.

Ўзбек тилида сўз яшаш воситалари ҳам танланади, умум томонидан тан
олинади ва мустахкамланади. Шу воситалар асосида сўзлар яшаш
қоидалаштирилади. Шу воситалар асосида сўзлар яшаш қоидалаштирилади.
Масалан, - зор аффикси одатда ўсимликлар номларига қўшилиб келган
ҳолда, улар мўл бўлган жой отларни атайди: гулзор, қамишзор, олмазор,
пахтазор каби.

Ўзбек тилида ҳам сўзловчи ёки ёзувчининг ўзи баён фикрини тушунчани, хис-туйғуларни ўқувчиларга аниқ, ихчам, тушунарли, айниқса таъсирчан қилиб етказиб беришни таъминловчи махсус воситалар мавжуд.

Тасвирий воситалар ичида синоним ҳам қўлланиши мумкин. Сўзларнинг маънасини билмасдан туриб қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Нутқ эгалларининг нутқ тузиш жараёнида синонимлардан фойдаланиш имкониятлари турлича бўлиб, улар яъни сўз санъаткорлари тилнинг бу нодир бойлигидан маҳорат билан фойдаланишга интиладилар ва ўз асарларининг, нутқларининг жозибадорлигини, ёқимлигини ранг-баранглигини таъминлайдилар. Ҳар бир ижодкорликнинг синонимларидан фойдаланиш маҳоратини ҳам алоҳида тадқиқ қилиш шунинг учун ҳам жуда муҳимдир.

Мана, одамлар,, пахталарни олимсоқдан қолган чиғирқда эмас, машиналарда чиқаряпти (М. Исмоилий). Сиз ҳам ўша диққиюнусдан қолган афсонага ишонасизми? (С. Анорбоев). Бу мисоллар икки ёзувчига тааллуқли бўлиб, М. Исмоилий алмисоқдан қолган иборасини танлаган бўлса, С. Анорбоев маънони янада кучлироқ ифодалаш учун унинг синоним диққиюнусдан қолган иборасини ишлатган.

Ўзбек тилида масалан, сер-аффикси миқдор жиҳатидан кўп бўлиши мумкин бўлган нарсаларни ифодоловчи сўзларга қўшилиб янги сўзлар ясаши мумкин бўлгани ҳамда, яқка ҳолда мавжуд бўлган нарсаларни ифодоловчи сўзлардан бундай сўзлар ясай олмайди: серсақол, серсоч каби.

Бошланғич синф яъни 4-синфда Она тили машғулотларида сўз туркумини ўрганишда, сўз маъноларини ўрганишда синонимлар ўқиш китобидан бемалол фойдаланиш мумкин.

А. Ҳамраевнинг « Она тили таълимида нутқдан тилган қараб бориш тамойили» мақоласида ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири она тили дарсларида нутқ маданиятини таркиб топтиришдир. Маданий нутқ миллий тилнинг ўзига зослиги маъно бадиий ифода йўсини билан ажралиб туради. Маданий нутқнинг оғзаки шакли адабий тилнинг орфоэпик

меъёрларига ёзма шакли орфографик услуб каби мезонларига мос бўлиши лозим.

Матнлар устида ишлаш, уларнинг таҳлил этиш йўллари билан янги-янги сўзлар яшаш тил қаймоғи саналиши образли иборалар тузиш орқали онгни, тилни бойитиш мумкинлигини қайд қилади.

Нутқдан тилга қараб бориш тамойиси қуйидаги йўллар билан амалга оширмоқда.

1. Ўрганилаётган тил ходисасига оид далилларни тайёр матнлардан излаб топиш, уларга шарҳ тайёрлаш хулосалар чиқариш
2. Берилган далиллар асосида матн тайёрлаш тайёрланган матнни ўрганилаётган ҳодиса нуқтаи- назардан таҳлил қилиш [19].

1.2. Бошланғич синфларда синонимлар устида ишлаш методикаси

Бошланғич синфларда синонимларни ўрганиш махсус мавзу қилиб берилмаган. Унинг назарий қисми ҳақида фикр билдирилмаган. Она тили 3-синф дарслигида сўз туркумларини ўрганишда машқларда сўз маъноларидан бири бўлган синоним ҳақида мисоллар келтирган, биз тадқиқот давомида бу ишларни таҳлил қилдик.

Синонимлар деб шакли ҳр хил маъноси бир хил бўлган сўзларга айтилади. Синонимлар маъносининг бир хиллиги уларнинг ўзаро фарқли хусусиятларига эга бўлишини инкор этмайди. Аксинча, тилда бир маънони ифодалаш учун бир неча сўзнинг мавжудлиги синонимларнинг бир-бирига ҳар жиҳатдан тўла мос келмаслигини улардан ҳар бири ўзига хос белги-хусусиятларга эгаллигини кўрсатади. Синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар қайсидир жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқлангани учун тилда алоҳида лексик бирлик сифатида яшаш имкониятига эга бўлади. Масалан: бет, афт, башара, чехра, юз; кулди, илжайди, тиржайди, хохалади каби.

Синоним қатордаги сўзлар услубга фарқли муносабатда бўлади. Масалан: одам, киши, инсон, башар, синонимик қаторда башар сўзи. Синонимик қатордаги сўзлар ўзаро фарқланиши мумкин. Синонимик қатордаги сўзлар маънони қай даражада ифодаланиши жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Баъзи сўзлар белгини нормал даражада ифодаласа, бошқалари кучли ёки кучсиз даражада ифодаланиш мумкин. Масалан: қизиқ-ғалати, ажойиб, аломат, антиқа синонимик қаторда қизиқ сўзи белгини нормал ҳолатида; ажойиб, аломат, антиқа сўзлари эса белгини кучли даражада; яхши, дуруст, тузук синонимик қаторида эса дуруст ва тузук сўзлари белгини кучсиз даражада ифодалайди.

Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синонимлиги уларнинг бир хил маънога эгаллигига асосланар экан, фақат бир туркумига оид сўзларгина ўзаро

синонимик муносабатда бўла олади. Масалан: отлар: одам, инсон, киши, кимса, башар, сифаталар: уятсиз, беномус, беҳаё, ҳаёсиз, сурбет, беандиша, шарманда, беибо, ибосиз, феъллар: ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ, карашмоқ, боқишмоқ.

Синонимик қатор икки ва унинг ортиқ сўздан ташкил топиш мумкинлигини айтилди. Лекин синонимик қаторнинг чегарасини-бирор маънода неча сўз ўзаро синоним бўла олиш ёки кўп ҳолларда анча қийин бўлади. Бу ҳол ўзаро синоним бўлган сўзлар миқдори кўп бўлганда айниқса аниқ сезилади.

Синонимлар қаторининг чегарасини демак, синоним сўзлар миқдорини аниқлашда шу қатордаги бош сўзни аниқ белгилаш муҳимдир.

Синонимлар қаторининг чегарасини демак, синоним сўзлар миқдорини аниқлашда шу қатордаги бош сўзда аниқ белгилаш муҳимдир. Бунда бош сўз дамината термини билан юритилади.

Она тили дарсларида сўз, унинг маъноси маънолараро муносабатлар ҳақидаги маълумотларнинг изчиллиги, равшанлиги ва борлиқ ҳодисларга мувофиқлиги даражаси ҳам асосий мақсадга эришувчанликни белгиловчи асосий омиллардандир. Агар ўқувчига берилаётган материалларда акс этган илмий асосларда борлиқнинг ҳаққоний ифодаси ўз аксини топмаган бўлса, бунда у ўқувчиларнинг борлиқ ходисаларини тўғри таҳлил қила олишлари ва баҳолай олишларига манелик қилади.

Кўринадики, ўқувчиларга сўз маънолари бўйича маълумот бериш жараёнида талай муаммоларга дуч келишлари ўқитувчиларни ҳар бир ҳодиса ҳақида чуқур мушоҳада юритиш, махсус манбаларига мурожат қилишга ундайди.

Яна шуни айтиш лозимки, синонимлар ҳақида, сўз маънолари ҳақида дарсликларга 2-синфдан бошлаб киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

1-синфда сўз маъноси ҳаида машқлар берилади.

Бошланғич синфларда синоним ҳақида назарий маълумот берилмайди, аммо синонимлар ҳақидаги тушунча амалий машқлар ёрдамида

шакллантирилади. Синонимлар билан ишлаш элементлар тарзда 1-синфдан бошланади. Ўқувчилар берилган сўзнинг синонимини топишга, бошқача қилиб қандай айтиш мумкинлигини тушунтиришга; 2-3 синфларда эса берилган сўзнинг 2-3 синонимини топиб айтишга ўргатишади.

Бошланғич синфларда синонимларга оид қуйидаги каби машқлар ўтказилади:

1. Берилган синоним сўзларни гуруҳлаш. Бир сўз туркумига оид икки синонимик қатордаги сўзлар ичига бир-иккита бошқа сўз киритиб берилади. Ўқувчилар синонимларни икки гуруҳга ажратиб айтадилар. Бунинг учун сўзлар ажратиб айтадилар. Бунинг учун сўзлар қўйидаги каби берилиши мумкин: ватан, мақсад, китоб, диёр, ният, мамлакат, мурод.
2. Берилган сўзга синоним танлаш. Ўқитувчи отни ўтганда осмон: сифатни ўтганда мазали; феълни ўтганда кўникма сўзларини айтади. Ўқувчилар бу сўзларга синоним танлайдилар: осмон-кўк, само, фалак; мазали-лаззатли, лазиз, тотли, хушхур; кўникмоқ ўрганмоқ, одатланмоқ, одат қилмоқ.
3. Тушириб қолдирилган синоним сўзларни ўз ўрнига қўйиб, матнни кўчириш. Ўқувчилар синонимларни ўрнига қўйиб, уларнинг қўлланишидаги фарқини тушунтирадилар. Онаси болага мазали
,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,, овқат тайёрлади. У тинмай куларди,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,.
4. Синонимлардан мосини қўйиб гапларни кўчириш. Бунинг учун синоним сўзлар қатори қавс ичида берилади, ўқувчи гапнинг мазмунига мосини танлаб гапни кўчиради: Дарё сувини (баҳор, кўклам) тоширар, одам қадрини (меҳнат, иш) оширар. Олтин (ўт, олов, аланга)да, одам меҳнатда билинади. Бирлашган (ёв, душман)ни қайтарар.
5. Синоним сўзлар қатордан фойдаланиб дидактик материал тузиш ва у билан машқ қилиш. Бунинг учун тўртта синонимик қатордаги сўзлар таналанади ва 16 катакка арлаш жойлаштирилади. Ўқитувчи

шу катакчалардаги бир сўзни айтади. Масалан: катта. Ўқувчилар шу сўзга яқин маъноли сўз (синоним)ни катакчалардан топиб айтадилар.: катта улуғ, гигант, буюк. Синоним сўзлар катори билан сўз бирикмаси тузадилар. Катта бино, ул байрам, буюк шаҳар каби.

Синонимлар билан ишлашда ўқувчиларга изланишга даъват этадиган савол, топшириқлар, тестлар қўйиш мумкин.

1. Бадиий адабиётдан синоним сўзлар топинг.
2. Қуйидаги тўртликка синоним сўзлар топинг.

Ёшлигим кел куйга тўлган

Қалбим олтин сози бўл.

Мен қўшиқ айтай тўлиб

Сен жўр овози бўл!

Ёшлигим, куй, қалб, олтин, қўшиқ жўр каби.

3. Бошланғич синф дарсларида синонимларни ўрганишда мақсадли тестлардан фойдаланиш мумкин.

У ўқувчилар билишини текшириш, тез фикрлашга ўргатиш ва дарсга қизиқишларини ошириш мақсадида ўтказилиши керак. Бунда албатта тестда ёш хусусиятлари, психологик ривожланиши, билим имкониятлари ҳисобга олинishi керак. Маълумки бошланғич синф ўқувчилари диққатини бирор нарсага жалб қилиб туриш қийин. Шу сабабдан тест саволи шарти қисқа ва ўртача 20-30 дақиқада унга жавоб топа оладиган бўлиши керак.

Тест топшириқлари ўқув дастурида белгиланган мавзулар асосида ўқувчилар билим ва малакалари даражасини аниқлашга имкон берадиган саволларни ўз ичига олмоғи лозим.

Тест топшириқларини тузишда оддийдан мураккабга бормоқ лозим.

1. Қайси қатордаги сўзлар синоним бўлаяпти?
 - а) аҳил, дўст, ўртоқ, иноқ
 - б) аҳил, зеҳн, ёшлик, ўртоқ
 - в) аҳил, иноқ, ҳурмат, ишонч
2. Қайси қатордаги синоним сўзлар тушуриб қолдирилган.

1. Мен мана шундай овқатларни,,,,,,,,,,,,, яхши кўраман.
2. Мен уйқумдан уйғониб,,,,,,,,,,,,, Дилшод уйда йўқ эди.
3. Зумрад баҳор, зумрад,,,,,,,,,,,,, қолишмайди баҳорнинг исин.

3. Берилган синоним сўзларни гуруҳланг. Мард, жасур, ишонч, дардманд, ният, мурод, ўғлон каби.

Синонимларнинг қуйидаги турлари ҳақида фикр билдирмоқчимиз:

Луғавий синонимлар.

Грамматик синонимлар.

Луғавий синонимлар. 1) сўзлар доирасида; 2) сўз ва иборалар доирасида; 3) иборалар доирасида бўлади. Юқорида биз бу ҳақда баён қилинганмиз.

1. Сўзлар доирасидаги ўзаро синонимик муносабатида лексик синоним дейилади. Масалан: безак, зийнат, ҳаъшам. Синонимк қатор фақат сўзлардан тузилади.
2. Сўзлар ва иборалар доирасидаги ўзаро синонимик муносабатда лексик фразеологик синонимлар дейилади. Масалан: мум тишламоқ, оғзига талқон салмоқ.

Грамматик синонимлар қўшимчалар доирасида бўлади, синонимлар қуйидагича юзага келади:

1. Бир тилнинг ўзида бир тушунчани ифодаловчи бир неча сўз: қари, кекса.
2. Адабий тилга хос сўз билан шевага оид сўзлар ёки шевага оид бир неча сўзлар: гўзал, сулув, кўхлик, хушруй, челақ, сатил, пақир каби.
3. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида япроқ (ўзб.), барг (таж.), булоқ (ўзб.), чашма (тожикча).

II боб. ЛУҒАТ УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНОНИМЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

2.1. Кичик ёшдаги ўқувчилар билан синонимлар устида ишлаш жараёнига технологик ёндашув

Сўз тилнинг маъно билдирадиган асосий бирлигидир. Сўз ва сўз бирикмаси аниқ предметларни, мавхум тушунчаларни, эмоцияни билдиради. Тилда мавжуд бўлган барча сўз ва ибораларнинг йиғиндиси луғат состави ёки лексика дейилади. Лексикология ўзбек тилининг луғат составини сўзларнинг ўрганадиган бўлимдир. Лексикология луғат составидаги сўзларнинг нутқда маъно ифодалаш хусусияти қўлланиш фаоллиги, бойиб бориши, баъзи сўзларнинг эскириб истеъмолдан чиқиб кетиши маъно кучиш ходисаси кабиларни урганади. Шу сабабли лексикология луғат устида ишлаш методикасининг лингвистик асоси ҳисобланади. Ҳар қандай нуткий баён грамматик жихатдан узаро боғланган, мазмунга мос суз ва суз бирикмаларининг маълум изчилликда жойлаштирилишдан тузилади. Кишининг луғати қанчалик бой ва ривожланган бўлса унинг нутки ҳам шунчалик бой унинг нутки ҳам шунчалик бой бўлади. Ўз фикрини аниқ, оригинал ва ифодали баён этишга кенг имконият яратилади. Шунинг учун луғатнинг бойлиги, хилма-хиллиги ҳаракатчанлиги методика нуткни муваффақиятли устиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек адабий тили улкан луғат бойлигига эга. Икки томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да 60000 суз берилган бўлиб, булар умумий қўлланиладиган сузларгинадир. Бунга ўзбек тилида нашр этилган турли терминологик луғатларда ва турли изоҳли луғатларда берилган сузлар қўшилса, луғат бойлиги яна минг-минглаб ошади. Булардан ташқари, жуда кўп сузлар қўп маънони билдиради.

Масалан, шу изоҳли луғатда бош сузнинг 40 дан ортиқ асосий ва фразеологизм билан боғланган маънода ишлатилиши берилган. Бундай жуда қўп лексик бойликни стихияли ўзлаштириш мумкин эмас, албатта. Мактабда нутқ устиришнинг муҳим вазифаларидан бири луғат устида ишлашни яхшилаш, тартибга солиш, унинг асосий йўналишларини ажратиш ва

асослаш, укувчиларнинг лугатини бойитиш жараёнини бошқариш хисобланади.

1. Укувчилар лугатини бойитиш, яъни янги сузларни, шунингдек болалар лугатида булган айрим сузларнинг янги маъноларини ургатиш. Она тилининг лугат бойлигини билиб олиш учун укувчи уз лугатига хар куни 8-10 та янги сузни, шу жумладан она тили дарсларида 4-6 сузни кушишни, яъни шу сузлар маъносини узлаштириш лозим.

2. Укувчилар лугатига аниклик киритиш. Бу уз ичига куйидагиларни олади:

1. Укувчи пухта узлаштирамаган сузларнинг маъносини тулик узлаштириш, яъни шу сузларни контекстга киритиш, маъноси якин сузларга киритиш, антоним танлаш йуллари билан уларнинг маъносига аниклик киритиш;
2. Сузнинг кинояли маъносини, куп маъноли сузларни узлаштириш;
3. Сузларнинг синонимларини, синоним сузларнинг маъно оттенкаларини узлаштириш;
4. Айрим фразеологик бирликларнинг маъносини узлаштириш;

3. Лугатни фаоллаштириш, яъни укувчиларнинг маъносини тушунадиган, аммо уз нутк фаолиятида ишлатмайдиган пассив лугатидаги сузларни актив лугатга утказиш. Бунинг учун шу сузлар иштирокида суз бирикмаси ва гаплар тузилади, улар укилганларни кайта хикоялаш, сухбат, баён ва иншода ишлатилади.

4. Адабий тилда ишлатилмайдиган сузларни укувчиларнинг актив лугатидан пассив лугатига утказиш. Бундай сузларга болаларнинг нутк мухити таъсирида узлашиб колган, адабий тил нормасига кирмайдиган айрим адабий асар ва сузлашув тилида кулланиладиган содда суз ва иборалар, махаллий шева ва ижтимоий гурухга оид сузлар киради. Адабий тил нормаси деган тушунчани узлаштиргач, укувчилар юкорида изохланган сузлар урнига адабий тилдаги сузлардан фойдалана бошлайдилар. Адабий тилга оид малакалари мустахкамланган сайин шеваси, жаргонга оид сузлар, сузлашув

тилида ишлатиладиган содда суз ва иборалар укувчиларнинг актив лугатидан чикиб кета боради. Укувчилар лугати куйидаги манбалар асосида бойитилади ва такомиллаштирилади:

Атрофни ураб олган муҳимни: табиатни, кишиларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, болаларнинг урнини ва укиш фаолиятини, катталар билан суносабатни кузатиш. Табиатга, қурилишга саёҳат вақтида болалар предмет ва ҳодисаларни кузатиш билан қўпгина янги ном ва ибораларни урганадилар; саёҳатлар юзасидан ўтказилган суҳбат вақтида уларнинг билими чуқурлаштирилади, айрим сузлар маъносига аниқлик киритилади.

Ўзбек тилини юксак бадиий образлар ёрдамида ўзлаштирадилар. Укиш дарсида болалар лугати маълум мавзуларга бир сузлар ҳисобига ҳам бойийди. Улар лугатига ахлокий тушунчаларни ифодаловчи ёқимтой, ширинсуз, меҳрибон: ҳаққоний ботир, мард, жасур, меҳнатсевар каби қўп сузлар қўшилади. Тест устида ишлаш жараёнида қўп маъноли сузларни, синонимларни қўчма маънода ишлатиладиган сузларни, баъзи фразология бирикмаларини билиб оладилар.

Болалар мустиқил ўқишга урганганларидан кейин улар лугатига қитоб, газета, ойнома материаллари қатта таъсир қилади. Шунинг учун синфдан ташқари мустиқил ва унга раҳбарлик формалари укувчилар лугатини бойитишнинг, нутқини ўстиришнинг энг муҳим манбаларидан ҳисобланади. Махсус машқлар ёрдамида грамматика ва орфографияни урганиш дарслари қўпгина суз ва терминларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Болалар предмет, белги, ҳаракат, саноат, ифодаладиган сузларни билиб оладилар. Бу дарсларда укувчилар лугатига тартибга солинади, суз турқумларини урганиш жараёнида гуруҳланади. Суз тарқиб, суз ясалиши, сузларнинг урганишни урганиш билан эса лугатга аниқлик қиритади; улар урганган сузларидан суз нутқларидан фойдалана бошлайдилар. Натижада лугатлари фаоллашади. Укувчилар лугати махсус лугавий мантикий машқлар ёрдамида ҳам бойийди, тартибга тушади. Булардан ташқари кинофильм ва телевизор эшиттиришларининг тестлари, укувчи ва бошқа мактаб ҳодимларининг

нутклари ҳам укувчилар лугатини бойитиш ва такомиллаштириш манбалари хисобланади.

Лугатни бойитишда турли лугатлар жуда фойдали кулланмалардир. Бошлангич синф укувчилари учун «Имло лугати» мавжуд. Укитувчи маълумот учун ҳам материал танлаш учун ҳам турли лугатлардан муваффақиятли фойдаланади.

Сузларнинг маъносини тушунтириш укувчилар лугатини бойитади, нуткни устиради. Бошлангич синфларда укитиладиган фанларнинг терминлари ҳам тушунтирилиш лозим булган сузлар каторига киритилади. Терминларнинг маъносини тушунтириш мазкур суз англатган тушунчани яхши фахмлаб олишга ёрдам беради. Масалан, предмет терминининг маъносини тушунтириш лозим булган сузлар каторига киритилади. Терминларнинг маъносини тушунтириш мазкур суз англатган тушунчани яхши фахмлаб олишга ёрдам беради. Масалан, предмет терминининг маъносини тушунтириш билан укувчилар предмет кенг маънода кулланиш, табиатдаги барча нарса ходисалар, тушунчалар, предмет дейилишини билиб оладилар. Бу от, сифат, сон, феъл каби терминларни тез фахмлаб олишда уларга ёрдам беради.

Сузнинг маъносини тушунтириш жуда кам вақт олиши ва дарснинг асосий мавзусидан укувчилар диққатини чалгитмаслиги керак. Бунинг учун укитувчи ҳар бир дарсга тайёрланиш жараёнида маъносини тушунтирилиши лозим булган сузларни, уни тушунтиришнинг энг қулай усулларини ва дарснинг қайси урнида тушунтиришни белгилаб олади. Суз маъносини тушунтириш устида ишлаш укувчиларнинг лугат бойлигини кенгайтиради, нутқини ривожлантиради. Синонимлар талаффузи, ёзилиши ҳар-хил булган бир умумий тушунча ифодаладиган сузлардир.

Синонимлар бир-биридан қушимча маъно оттенкаси, эмоционал бўёги кулланиш жиҳатидан узаро фаркланади. Синонимлар тилни лексик томондан бойитади, шунинг учун синоним билан ишлаш муҳим: лугатда синонимлар қанча қуп бўлса, тилнинг ифодалилиги шунча ортади.

Синонимлар билан ишлаш элементлар тарзда 1-синфдан бошланади. Укувчилар берилган сузнинг синонимини топишга, бошқача килиб қандай айтиш мумкинлигини тушунтиришга 2-3 синфларда эса берилган сузнинг 2-3 синонимини топиб айтишга ургатилади.

Карама-карши зид маъно билдирадиган сузлар антонимлар дейилади. Антонимлар белги билдирадиган сузларда куп учрайди. Антонимик муносабат суз билан физиологик ибора орасида ҳам бўлади.

Бошлангич синф укувчилари антонимлар билан амалий таништирилади. Антонимлар устида ишлаш матндан антонимни топишдан бошланади, кейин махсус машқлар ишлатилади. Укувчилар лугатини синоним ва антонимлар билан бойитиш уз фикрини, аниқ ва равои ва ифодали баён этишга ёрдам беради.

Укувчиларга куп маъноли сузлар учраб туради, аммо улар куп маъноли эканини тушуниб етмайдилар. Масалан, сузларнинг суз бирикмасидан маъносини киёслаш: соат юрди, поезд юрди, укам юрди, тош йул, тош юрак, кумуш қошиқ, кумуш осмон, кумуш сув.

Гапларни уқиб, ажратиб курсатилган сузларнинг маъносини айтиш: бу йил ёз иссиқ бўлди. Сен уртоғингга хат ёз.

Бошлангич синфларда куп маъноли ва омоним сузлар юзасидан назарий маълумот берилмайди, бундай тушунчаларни шакллантиришга тайёргарлик курилади.

Укувчилар нутқини бойитишда мақоллар катта роль уйнайди. Мақолалар уқиш учун ҳам, суҳбат учун ҳам, ҳикоя тузиш учун ҳам, грамматик таҳлил ва ёзув учун ҳам жуда қулай материаллардир: улар ихчам, сермазмун ва таъсирчан бўлади: мақоллар укувчиларнинг бадиий дидини устиради, нутққа эътибор билан қарашга тугри, мантикий фикрлашга ургатади:

Масалан: Вактинг кетди – бахтинг кетди. Уқиган – узар. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат қурасан. Бугунги ишни эртага қуйма, Соғлиқ – туман бойлиқ. Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат.

Укувчилар маколаларни укиб, укилган асарнинг ахлокий муаммоси билан, хаётий шароит билан боғлайдилар, уларнинг мажозий мазмунини айрим суз ва ибораларнинг маъносини тушунтирадилар. Укувчилар маколаларни ёктирадилар, шунинг учун ҳам маколалар билан берилган топшириқларни бажарадилар. Укитувчи шуларни ҳисобга олиб, маколалар билан хилма-хил машқлар ишлатиш орқали укувчиларга сузларнинг мажозий маъносини қуп маъно ифодалашни амалий сингдириб боради. Логик машқлар: укувчиларнинг предмет ва атроф муҳим ҳақидаги билимларини тизимга солади ва уларга тугри фикрлаш усулларини ургатади. Укувчи мактабга келган кенг лугат бойлигига эга бўлса ҳам, тафаккурнинг таккослаш, қарши қўйиш, умумлаштириш, гуруҳлашдан фойдаланишни билмайди. Логик машқларнинг вазифаси у ёки бу предмет ва вазифаси танишиш асосида болаларни предмет ва ҳодисалардан муҳимини, умумийсини ажратишга, суз билан аниқ ифодалашга ургатиш, болаларга мантикий усуллар тизимини ургатиш билан билимини материал томондан бойитиш ва уни ақлий томонидан устириш ҳисобланади.

Логик машқлар жуда хилма-хил:

1. Предметларнинг гуруҳини тузиш, нима? суроғига жавоб беришга ургатиш уст-бош қийимлар, қўйлақ, шим: оёқ қийимлар: туфли, этик, шиппак; уй ҳайвонлари: қўй, эчки, сигир; ёввойи ҳайвонлар: бури, тулки, йулбарс;

2. Бир турдаги предметларни бир суз билан номлаш: мебель – стол, стул, шкаф каби.

3. Предмет номлари ва белги билдирган сузларни гуруҳлар ажратиш: бунда сузлар аралаш берилади: чойнақ, стол, теша, болта, пиёла болалар гуруҳлаб идишлар номини чойнақ, пиёла;

Иш қуроллари: теша, болта каби ёзадилар.

Предмет белгисини билдирган сузлар ҳам аралаш берилади, укувчилар турт гуруҳга (ранг, маза, шакл, хусусият) ажратадилар.

Карама-карши куйиш билан умумлаштириш: калдиргоч, чумчук, булбул кушлар.

Бугунги кунда республика педагоглари таълим тизимидаги кенг камровли ислохатларни, замонавий педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш билан мустахкамлашлари зарур. Бунин учун педагоглари ўқув жараёнига технологик ёндошувда ўргатиш талаб этилади, бу эса уни Ўзбекистон тажрибалари, анъаналари, маданиятини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш имконини беради.

Хуш замонавий педагогик технологиялар нима? Уларни мавжуд таълим технологиялардан фарқи қаерда?

Аввало метод ҳақида тушунча берсак. Метод - бу билиш йўли ёки бирор фаолиятдаги маълум амалиёт ва назарий билимлар соҳасини эгаллашдаги ҳаракатлар, усуллар мажмуаси.

Таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

Технология сўзи – юнунча «махорат», «санъат», «тушунча», «ўрганиш» маънаолорини англатади.. булардан ташқари унинг замирида жараёнларни амалда ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси содир бўладиган сифат ўзгаришлари ётади.

Таълим технологияси тушунчаси таълим мақсадига эришиш қуроли, яъни олдиндан лойхалаштирилган таълим, жараёнларини яхлит тизим асосида босқичма-босқич амалиётга жорий этиш ва шу мақсадга эришишнинг метод, усул ва воситалари тизимини, таълим жараёнини бошқаришни ифодалайди. У таълим методикаси тушунчасига қараганда кенг камровлидир.

Педагогик технология деганда, технологик (ишлаб чиқаришдаги) ёндашувларга айнан ухшаш бўлган таълимда қўйилган мақсадларга эришиш қанолатланган(якуний натижани олиш) таълим жараёни тушунилади. Технологиялаштирилган таълим жараёни ўқитувчи шахсига боғлиқ бўлмаган, фақат ўқувчининг шахсий эҳтиёжлари, талаблари ва ҳислатларига

асосланган таълим жараёнидир. Уқувчи таълим жараёни марказида туради. Бунда дарсни ким олиб боришидан (тажрибали уқитувчими ёки ёш уқитувчими) катъий назар кузланган якуний натижа (мақсадга қура) га эришиш кафолатланиши лозим. Таълимда факат ижрочи вазифасинигина бажаради.

Педагогик технология узиға хос инновацион ёндашувдир. Тизимли ёндашув педагогик технологияларни уқитишдаги бошқа ёндашувлардан фарқловчи бош белги хисобланади. Аънавий уқитиш методикасида бундай тизимли ёндашувга ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан алоҳида лойиҳалаш-қўпинча аънавий ўқув жараёнидаги етишмайдиган ҳолдир. Педагогик технология ўқув жараёни аввало аънавий ўқитиш методидан таълим мақсадларининг қўйилиши билан фарқланади.

Педагогик технология ўқув жараёни модели.

Машғулотларга технологик ёндашув режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи – конструктив курсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Технологик ёндашув таркибига қуйидагилар қиради:

- фаннинг ҳар бир машғулотни буйича мақсад ва вазифалар каталогини ишлаб чиқиш.
- Ўқув мақсадларини назорат топшириқларига ўтказиш.
- Мақсадга эришиш усуллари.
- Эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири оптималлаштирилган педагогик амаллар тизимини ташкил этади.

Илғор педагогик технологияларга таълим даражалари ўқувчиларнинг ўқув материалларини руҳий жиҳатдан қай йўсинда ўзлаштиришига ёрдам беради ва улар қуйидагилардан иборат: (3-хил даражали топшириқлар)

- ахборотни билиш, ёд олиш ва сўзлаб бериш,

- Репродуктив(махсулдор)фикрлаш,
- Продуктив(сермахсул) фикрлаш,

Ахборотни билиш, ёд олиш ва сўзлаб беришда ўқувчининг эслаб қолиш ва таҳлил қилиш қобилияти билан боғлиқ бўлган билимларни текширади.

Репродуктив ўзлаштириш даражаси ўқувчидан аввал ўзлаштирилган билимлари асосида мустақил иш бажаришни, продуктив даражадаги ўзлаштириш эса ўзлаштирган билимлар негизида ностандарт масалаларни ечишда мустақил фикр юритишни талаб этади. Бу фаолият тайёр қоида ёки тасвир асосида эмас, балки ўқувчи томонидан тузилган алгоритм билан боғлиқ.

Илғор педагогик технологияларга асосланган машғулотларни ўтказишга доир ўқув жараёнини ташкил этишга назорат топшириқларини тузиш ўқув мақсадлари билан ўзвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунда мақсад деб ўқитувчининг фаолияти(ургатиш, тушунтириш, сўзлаб бериш ва х.к.) назарда тутилади. Вазифаларга эса ўргатиш натижалари киритилади.

Вазифаларни аниқроқ қўйиш ўқитувчига катта маъсулият юклаб, қуйидаги талабларни қуяди:

- ҳар бир вазифани “дарс якунида ўқувчилар қуйидагиларни бажара олишлари лозим” дея бошламоқ жоиздир;
- шунингдек, ҳар бир вазифа тартиблаб чиқилади;
- ҳар бир вазифани ўқувчилар бажариш имконияти даражасида бериш зарур;
- хусусан у фақат битта натижани кўзлаши керак;
- вазифани шундай қўйиш лозимки, унинг ишлатилишини мезонлаш, қандай қилиб мақсадга эришганлигини аниқлаш мумкин бўлсин.

Вазифалар ўқув саволларини, бўлимларини, предметни баҳолаш кераклигини (ўзгаки, ёзма ёки тест усулида) аниқлаб беради. Бунинг эсдан

чиқармаслик керак. Вазифалар аниқланган бўлса, шунан сўнг ўқув натижаларини билиш учун назорат топшириқлари тузиш лозим.

Нazorat топшириқларини тузишда илғор педагогик тажрибаларга асосланиш зарур, бу ўринда Б. Блум таксономияси жуда қўл келади деб ўйлаймиз. Мазкур тоқсономия олти категориядан: таҳлил, синтез ва баҳолашдан иборат.

Фанлардан илғор педагогик технологиялар асосланган машғулотларни яратишда матн қисми (асосий саволлар, масалалар бўйича ўқитувчи мақсади, ўқувчилар бажариши лозим бўлган вазифалар идентив ўқув мақсадлари ва назорат топшириқлари, 2 ёки 3 хил даражали) ўртасида узвий равишда педагогик, руҳий, методик боғлиқлик бўлиши лозимдир.

Бошланғич синфларда ўқувчи мактабда эшитадиган, кўрадиган нарсаларнинг ҳаммасини тўғри адабий тилда ифодалаш керак.

Ўқувчининг нутқи орфотпик ва стилистик жиҳатдан тўғри бўлиши зарур. Ўқувчи ҳамма вақт мумкин қадар саводли ёзиши лозим. Шу мақсадда ҳар бир мактабда ягона орфографик ва нутқ режими намунадир. У доскада болаларнинг дафтарига чиройли ва саводли ёзиши, тўғри адабий тилда сўзлашиш зарур.

Ўқувчилардан қўпол сўз ва ифодалар, шевага хос сўзлар ишлатилмаган тўғри, оғзаки нутқ талаб қилинади.

Нутқ режими қоидаларига қуйидагилар киради:

1. Нутқда ўзбек адабий тилининг асосий нормаларини сақлаш
2. Ўз фикрини аниқ ва равон боғланишни ифодалаш
3. Ҳарфларнинг шакли ва ўлчовларини бузмасдан дона-дона ёзиш.
4. Дафтарда ҳеч қандай ортиқча ёзув расмлар бўлмаслиги.
5. Ўқитувчи ўқувчилар ёзма ишини саводли бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиши, иложи борича хатоларнинг олдини олишга, йўл қўйилган хатоларни диққат билан тўғирлашлари лозим. Бошланғич синфларда ўқитувчи чорак охирида ўқувчилар ишидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўла таҳлил қилиши керак. Ўқитувчи-ўқувчилар йўл

қўяётган хатоларининг сабабини билиш муҳим аҳамиятга эга. Хатоларнинг келиб чиқиши сабаблари турлича бўлиб, асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ўқувчи қоидани билмайди.
2. Қоидани билади, лекин уларни ёзувда қўллай олмайди.
3. Ўқувчи қоидаларини аралаштиради.
4. Ёзаётган сўзларнинг маъносини тушунмай хато қилади.
5. Айрим нутқ товушларини хато эшитади ёки нотўғри талаффуз этади.

Ўқувчи биринчи синфга келгач, луғати тезлик билан бойийди, чунки унинг учун мактабдаги ҳамма нарсаянги, ана шуларнинг номини ўзлаштира олади. Бошланғич синфларда луғат ишини кенг олиб бориш ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш учун, грамматик қонун-қоидаларини пухта билиш учун, нутқини ўстириш учун ва мантиқий фикрлар малакасини эгаллашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Луғат иши ўқувчиларни кўп гапиртириш, ўқиганларини онгли равишда ўзлаштириш, бир сўзини қайта-қайта ишлатмаслик, шунингдек синоним, омоним, антоним сўзлар, ифода ва иборалар устида ишлаб бориш орқали тизимли равишда амалга оширилади, луғавий-услубий хатоларнинг олдини олишда бу жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бошланғич синфларда луғавий-услубий хатоларнинг олдини олишга катта эътибор билан қаралиши керак. Ўқувчиларнинг ҳар бир сўзини тушунган ҳолда ўқишлари ва ўз нутқларида бу сўзни ўринли ишлатишларига ўргатиб бориш лозим. Ўқувчиларга шакл жиҳатидан турлича бўлган сўзлар бир хил ёки яқин маъно билдиришини, баъзи сўзларнинг маъно жиҳатидан бири-бирига қарама-қарши бўлишини, айниқса боғланишли матнларда сўзларнинг янги-янги маъно касб этишини тушунишга ўргатилади.

Биринчи синф ўқувчиси мактабга келар экан, у синфдаги кўпгина буюмларни кўради, лекин уларнинг номи нима? қандай белгиси бор? Сони нечта? Турмушда қандай аҳамияти бор?-булар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган ёки уларнинг номини тўғри талаффуз қила олмай айтишда

кийналади. Бундай нарсалар ўқитувчи томонидан аста-секинлик билан ўргатиб бориши керак. Оғзаки суҳбат жараёнида тушунилиши қийин ва нотаниш сўзлар, сўз бирикмалари тушунтирилиб берилади. Масалан: ўқитувчи 1-синф хонасидаги стол, стул, парта, парда, доска, шкаф, ўқув кўролларида дафтар, китоб, ручка, сумка каби нарсаларни таништишда уларни ўқувчига кўрсатади, улар устида суҳбат ўтказади. Сўнгра ўқувчиларга шу нарсаларнинг расмларини ҳам кўрсатади. Биз ўқувчиларга тадқиқот давомида шакли ҳар хил бўлса ҳам маъноси бир-бирига яқин сўзларни ҳам таништириб бордик.

Катта кулди юз

Буюк тиржайди чехра

Улуғ тиржайди афт

Гигант жиҳозлайди бет

каби сўзлар билан бир қаторда

балан-паст аччиқ-чучук

катта-кичик кеча кундуз

ёш-қари кун-тун

каби қарама-қарши маъноли сўзларни грамматик қонун қодалар билан исботлаш учун ўқувчиларга мисоллар топиш ўргатиб борилади. Бироқ юқоридаги фикрлар бошланғич синф ўқувчилари учун тушунарли бўлавермайди.

Оғзаки шаклдаги машғулотда ўқувчи учун ўқиш, ёзиш қийин бўлган сўзларнинг мазмуни тушунтирилади, талаффуз ва ёзилиши ўрганилади.

Ёзма шаклдаги машғулотда эса қийин сўзлар устида ёзма ишлар олиб борилади. Матнни диққат билан кузатиш натижасида тушунилиши қийин бўлган сўзлар ажратиб олинади. Янги, қийин сўзларни яқка-яқка ёздириш, уларни контекст ичида қўллаш йўли билан шу сўзларнинг имлоси ўрганилади. Масалан: орден, Ватан, ракета, фаол, йил, ҳавф, давлат, республика, ой каби... шу сўзлар иштирокида икки учта гап тузиб, ўтилган мавзуга боғлаб тушунтирилади.

Ўқитувчи ўқувчилар билан луғат устида ишлаганда қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

1. ҳар бир сўзнинг талаффузини таҳлил қилиш, ўтилган режа асосида ўқувчиларга кичик-кичик савол бериб сўзлатиш.
2. Синоним, антоним, омоним асл ва кўчма маъноли сўзлар билан ишлаш.
3. Матндаги тушунилиши қийин бўлган сўзларга ўқувчилар диққатини тортиш, сўзнинг маъносини тушунтириш ва оғзаки нутқда тўғри фойдаланишга ўргатиш.
4. Ўқувчиларнинг абадий тил нормаларига, қонун-қоидаларига бўйсиндирилган нутқда сўзлашни таъминлаш. Ўқувчиларнинг адабий тил нормаларига, қонун-қоидаларига бўйсиндирилган нутқда сўзлашни таъминлаш.
5. Ўқувчилар нутқида маҳаллий шевалар таъсирининг бўлмаслигига эришиш.
6. Ўқувчиларни барча учун тушунарли қилиб сўзлашга ва ноўрин (иннай кейин, шундай қилиб, шатта, ҳалиги) сўзлардан йироқ бўлишга одатлантириш.
7. Ўқувчини матндаги ҳар бир сўзга шахсий муносабатни билдиришга ўргатиб бориш.

1-синф ўқувчиси «Алифбе»дан ю ҳарфи ва товуши билан таништирилаётганда «буюк» сўзини ўқийди, шакли ҳар хил бўлса ҳам маъноси бир-бирига яқин бўлган сўзни топишни ўртоғидан сўрайди. Агар ўқувчи буюк сўздан олдин ўқиган катта сўзини топа олса, бу 1 синф ўқувчиси учун катта ютуқдир. Болалар иложи борица, мустақил ҳолда сўзнинг маъносини талаффузини тушунишга ҳаракат қилсин. Агар тушуниши қийин бўлган сўзни ёки фикрни ўқитувчи ёрдамида билиб олсагина бунда ўқувчининг ижодий фикрлаш қобилияти тафаккури ўсмай қолиши мумкин.

8. ўқувчилар ўтилганларни ҳикоя қилиб берганда, сўзларининг талаффузига алоҳида эътибор беришга одатлантириш зарур. Агар бирор сўзни нотўғри

талаффуз этса, уни бир неча марта такрорлатиш, ҳатто ёдлатиш ҳам мумкин.

Ўқувчилар билан ишлашда предметлар расмини кўрсатиш, ўқувчи эшитаётган, ёзаётган нарсани кўзи орқали кўради. Бу эса болаларнинг хотирасида мустаҳкам сақланади. 1-синф ўқувчилари ч товуши ва ҳарфи билан танишаётганда, ч товуши сўзининг бошида, ўртасида ва охирида келишини кўргазмалар орқали кўради. Ўқувчиларнинг кўз олдида турган предмет унинг хотирасида яхши сақланади. Улардан нима мақсадда фойдаланишни айтади. Мантикий машқлар орқали мустаҳкамланади. Биринчи бор машқ қилиш ўқитувчи иштирокида ўтади. Машққа фикрни ихчам, грамматик қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда баён қилишга эътибор берилади. Болалар кўрмаган нарсаларини гапиришда хатоликларга йўл қўядилар.

1-синфда тушуниши қийин бўлган сўзларни тизимини ўрганиб бориш талаб этилади. Ҳар бир янги ўзлаштирилган сўз кейинги дарсларда мустаҳкамланиб қайтарилиши зарур. Сўзларни бўғинга ажратиш, қайта-қайта ўқиш, унга урғу қўйиш, турлаш ва гап тузиз топширилади. Ўқувчининг бу сўзларида ўз нутқида қандай фойдаланаётганлиги текшириб турилади. Масалан: кўпгина бошланғич синф ўқувчилари русча интерноционал сўзларни талаффуз этишда хато қиладилар.

Автомобиль, мотоцикл, велосипед, поезд, коллекция, трактор, коньки каби сўзларни сўзларни болаларнинг талаффуз этиши биров қийинроқ кечади. Бундай сўзларни ўқитувчи бўғинлаб ёзади, маъносини тушунтиради, айримларининг келиб чиқишини изоҳлайди.

Тушунилиши ва имлоси қийин бўлган сўзларни фонетик таҳлил қилиш ўрганилаётган сўзни мустаҳкам ўзлаштиришга ёрдам беради. Масалан: коньки сўзини таҳлил қилайлик.

Луғавий-услубий маъноси-коньки-яхмалак учун оёқ кийими остига боғланадиган тишли ва қилдиракли спорт асбоби.

Қуйидаги схема бўйича таҳлил қиламиз:

Сўзлар	Унли товуш лар	Ундош товуш лар	Неча товуш бор	Неча харф бор	Неча бўғин бор	Урғу қайси бўғинда
коньки	О, и	К,н,к	5	6	2	кон

Агар бир ўқувчи бу таҳлилда адашса, иккинчи ўқувчи унга кўмаклашади.

Товушларни таҳлил қилишда тарқатма материаллардан фойдаланиш, ўтилганларни такрорлаш, янги мавзунини мукамал эгаллашда ўзлаштирмоқчиликнинг олдини олиш аҳамиятлидир. Карточкалар билан ишлашни дарснинг бошида, ўртасида ва охирида ҳам ташкил қилиш мумкин.

Луғат иши жараёнида товушларнинг ўрин алмашиши (тупроқ-турпоқ, аҳвол-авҳол) жарангсизланиши (китоб-китоп) жаранглашуви (қишлоқ-қишлоғ, билак-билаг, тушиб қолиши: эшит-ишит, гўшт-гўш, келса-кеса) юритилиши (раис-райис, кадр-қадир) каби таҳдид ходисаларига аҳамият берилса, ўқувчиларнинг адабий талаффуз кўникмалари орттирилади.

Бошланғич синфларда энг асосий вазифалардан –болаларда ўйлаш қобилиятини ошириш, сўз бойлигини ривожлантириш, мустақил эркин гапиришдан, ўргатишдан иборат. Болаларга ҳарф ўргатмай туриб, расмлар асосида гапиришга ўргатиб бўлмайди.

Алифбо давридан бошлаб ўқувчиларда ҳарф билан биргаликда дарслик бетидаги расмлар ва бошқа шу ҳарфга доир расмлар асосида гапиртириб бориш лозим бўлади, 1-синфдан бошлаб, болаларга тарбия билан бир каторда, нутқини, сўз бойлигини доимий ўстириб боришимиз керак. Бу борада ҳар бир ҳарфга доир расмни кўрсатмалилик тайёрлашимиш керак. Масалан: А, а ҳарфини ўргатганимизда арча, айиқ, арра расмларини илиб кўямиз.

1. Арча қаерда ўсади?
2. Биз арчадан қайси пайтда фойдаланамиз.

3. Ўзбекистонда арча дарахти ўсадими?
4. Нега арчанинг атрофини айланиб шеър, ашула айтамыз?
5. Арчанинг ёнида Қорбобо, қорқиз қандай совғалар улашади?-каби саволларини тузиб, шу саволлар асосида гапиртиради.

Б, б ҳарфни ўтганда болалар балиқ, болта, болға расмларидан фойдаланиб, уларнинг ҳаётидаги фойдаланиш ўринларини, яшаш шароитлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлиб борадилар. Бу усулнинг яна бир муҳим томони ўқувчилар иншо, баён ёзганларида қийинчиликларга дуч келмайдилар.

Қ, қ ҳарфни ўтганимизда қишлоқ, қиз, қовун, қанд, қатик ва яна бошқа шулар каби қ ҳарфи билан бошланадиган нарсаларини илиб қўямиз, саволлар асосида суҳбатлар ўтказамиз. Ўқувчиларни шу нарсаларни келиб чиқиш тарихи ва нималардан қўлланилишини билиб оладилар ва ўз қишлоғи аҳолисининг машғулотини тўлиқ ўрганади.

Мавзу: Шахсни ва нарсани билдирган сўзлар

Дарс мақсади: Аралаш дарс тури

Асосий масала:

1. Шахсни ва нарсани билдирган сўзлар ҳақидаги тушунчаларни мустахкамлаш.
2. Маънодош сўзлар устида ишлаш.

Ўқитувчининг мақсади:

Таълимий: матндаги сўзларни такрорлашдан сақланиш ва синонимларни қўллай олиш кўникмасини таркиб топтириш.

Тарбиявий: тилимизнинг чексиз имкониятларидан фахирланиш ҳиссини уйғотиш.

Ривожлантирувчи: ўқувчилар сўз бойлигини ошириш

Идентив ўқув мақсадлари

1. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ берадилар.

2. Ким? сўнг нима? Сўроқларига жавоб бўлган сўзларни кўсатиб ўтадилар.
3. Ким? Сўроғига жавоб бўлган сўзларга мисол келтарадилар.
4. Матндан маънодош сўзларни топиб, мазмунини изоҳлайдилар.
5. Маънодош сўзларни бир-бирига солиштириб, асосий сўзни айтадилар.

Дарс жихози: дарслик. кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар.

Дарс услуби: интерфаол усуллар, суҳбат, амалий (машқлар бажариш

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

- а) саломлашиш.
- б) ўқувчиларни дарсга таёргарлигини назорат қилиш.

II. Асосий қисм


Уйга вазифани текшириш.

Уйга вазифа 103-машқ.

Ўқитувчи уйга берилган вазифани текшириб чиқади. Машқ шартига кўра Ошёним сўзига маънодаш сўзни топиш эди.

Ўқитувчи ошён сўзининг маънодаги сўзларини класстер усулдан фойдаланиб топадилар.

(маънодош сўзлар маъноси бир-бирига яқин сўзлар)



Ўқитувчи ошиён сўзи фақат шеър ёки бадиий асарларда, ёки тарихда қўлланганлигини айтиб ўтади. Ошиён сўзи сўзлашув услубида қўлланилмайди .

Янги мавзуни баёни.

Ўқитувчи: Бугунги санани ёзинг. Болажонлар, қайси байрам яқинлашмоқда? Тўғри, 8-март яқинлашмоқда. Бу байрам кимларнинг байрами?

- Онамизнинг, бувимизнинг, опа-сингиларимизнинг.

Ўқитувчи она хақида шеър ўқиб беради. 1-2 та ўқувчи ҳам шу шеърни ифодали ўқийдилар.

Меҳри мисоли дарё,

Қалби тўла нур, зиё.

Кўзларимга тўтиё

Ўзимнинг онагинам.

Ўқитувчи: болалар, шеърдаги қайси сўзларнинг маъноси бир-бирига ўхшаш.

Ўқувчилар: жавобни топишга қийналадилар.

Ўқитувчи тушунтиради: Онамизнинг меҳри мисоли дарёдек, ҳеч тугамайди. Қалби қуёш мисоли. Қуёш ўзидан нима таратади? - Тўғри, нур таратади. Онамиз ҳам қуёш каби нур, зиё таратади. Шу сабабли ҳар доим биз онамизга талпинамиз. Шеърдаги нур, зиё сўзларига эътибор беринг. Иккаласи бир-бирига маъно жиҳатдан яқин яъни маънодаш сўзлар.

Машқлар асосида мавзуни мустаҳкамлаш

104- машқ. Аввал ким? сўнг нима? нималарга? сўроқларига жавоб бўлган сўзларни кўчириб ёзинг. Улар ниманинг ва кимнинг номини билдиради.

Ким?

Бобомиз Амир Темур.


Нима?

Боғ, сарой, ҳовуз, фаввора, мевали дарахт, чинор, гул, товус.

Нималар?

Боғлар, оҳулар.

Ўқитувчи матндаги ном сўзига маънодаш сўзларни топишни топшириқ қилиб берди.



Ўқитувчи кўргазмалилик асосида нима? нималар? сўроғига жавоб бўлган сўзларни тушунтиради.

Ўқувчилар нима? нималар? сўроғига жавоб бўлувчи сўзларга мисол келтирадилар. Ўқитувчи бунда «занжир» усулини қўллайди.

Ўқувчилар мавзуга оид сўзларга мисол келтирадилар ва бу жараён занжир тарзида давом этади. Ким мисол айта олмаса, занжирдан чиқиб кетади. Занжирда қолган ўқувчи ғолиб деб саналади.

III. Якуний қисм

Уйга вазифа

106- машқ

Назорат топшириғи:

- 1.1 Наргиза ўқиди ажратиб кўрсатилган сўзга сўроқ беринг?
 - а) кимлар ўқиди?
 - б) нима ўқиди?
 - в) ким ўқиди?
- 1.2. Нарсаларни билдирган сўзлар қандай сўроққа жавоб бўлади?
 - а) ким?
 - б) кимлар?
 - в) нима?
- 1.3. **Доно** сўзига маънодош сўзларни топинг.
 - а) ақилли, билимли.
 - б) нодон, ҳасис.
 - в) зиё, нур.

Мавзу: Сифат ясовчи қўшимчалар

Дарс тури: Янги мавзунини баёни

Асосий масала:

1. Бир хил ўзакли сўзлардан маънодош сўзлар ясовчи қўшимчалар талаффузи ва ёзилиши.

Ўқитувчи мақсади:

Таълимий: ўқувчиларга сифат ясовчи қўшимчалар ҳақида тушунча бериш, маънодаш сўзлардан карама-қарши маъноли сифатларни фарқлашни ўргатиш;

Тарбиявий: маъсулият, ўзига талабчанлик туйғусини шакллантириш.

Ривожлантирувчи: Мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш.

Идентив ўқув мақсади

- 1.1. Сифат сўз туркумига таъриф берадилар.
- 1.2. Сифат сўз туркумига мисол келтирадилар .
- 1.3. Сифат ясовчи қўшимчаларни кўрсатадилар.
- 1.4. Сўзларнинг таркибий қисмларини белгилайдилар.
- 1.5. Маънодош сўзларга ясовчи қўшимчаларни танлаб ёзадилар.

Дарс жиҳози: дарслик, кўргазмали қурооллар.

Дарс услуби: суҳбат, ҳикоя.

Дарснинг бориши.

I. Ташкилий қисм.

II. Асосий қисм.

Ўтилган мавзунини сўраш.

Ўқитувчи ўтилган мавзунини сўраш учун карточкалардан фойдаланади.

1. карточка.

савол: Сўзлар нималар асосида туркумларга ажратилади?

2. карточка.

савол: Сўз туркумлари нималарга кўра фарқланади?

3. карточка.

савол: Эгалик қўшимчалари гапда қандай вазифани бажаради?

4. карточка

савол: Отларда нечта келишик бор?

5.карточка.

савол: Сифат сўз туркуми деб нимага айтилади?

6. карточка.


савол: Сифат сўз туркуми гапда қандай бўлак вазифада келади?

Уларнинг тагиғи қандай чизик чизилади?

Ўқувчилар карточкалардаги саволларга жавоб бергач, ўқитувчи саволларга жавоб берган ўқувчиларни баҳолайди.

Янги мавзун баёни.

Ўқитуви хаттахтага янги мавзун ёзади: Сифат ясовчи қўшимчалар.



-сер, -бе, -чан, -сиз, -ли, -дор, -қ- сифат ясовчи қўшимчалардир.

Биз сизлар билан 3-синфда ўзак ва қўшимчалар мавзуларини ўтган эдик. Бугунги дарсимиз ҳам ўзак ва қўшимчалар ҳақида бўлади.

Мевали - мевасиз қарама-қарши сўз

Ишсиз-белги маънодош сўз.

Ҳосилдор-серҳосил -маънодош сўз.


Бу қўшимчалар маънодош сўз ва қарама –қарши сўзлари ясайди.

Машқлар бажариш

304-машқ.

Ишчан, ҳосилдор, ақилсиз, серҳаракат.

Ушбу сўзларга мос маънодош сўзларни топинг.



б) _____

в) ~~~~~~

3. Қизил - бу сифатнинг қайси маъно турини билдиради?

а) маза-таъм

б) шакл

в) ранг-тус

4. Сифат ясовчи қўшимчаларни кўрсатинг

а) -ли, -чи, -кор.

б) -зор, -сиз, -дор.

в) -сер, -бе, -чан.

5. Маънодаш сўзларни белгиланг.

а) ақиллий-ақиллсиз

б) серҳаракат-ҳаракатчан

в) ишли-ишсиз

6. Қайси қўшимчалар маънодош сифатларни ясайди.

а) -сер, -чан.

б) -ли, -бе.

с) -бе, -сиз.

Мавзу: Сифатларнинг маъно турлари

Дарс тури: янги мавзуни баёни.

Асосий масала:

1. Сифатларнинг маъно турлари ҳақида тушунча

Ўқитувчи мақсади:

Таълимий: Ўқувчиларга сифатларнинг маъно турлари ҳақида тушунча бериш, сифатларни маъносига кўра гуруҳлашни ўргатиш.

Тарбиявий: она тилига муҳаббат ҳиссини уйғотиш.

Ривожлантирувчи: оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш.

Идентив ўқув мақсади

- 1.1 Сифат сўз туркумига мисол келтирадilar.
- 1.2 Сифатларнинг маъно турларини ажратадилар.
- 1.3 Маънодош ва қарама-қарши маъноли сифатларга мисол келтирадilar.
- 1.4 Сифатлар отларгага нима ёрдамида боғланишини тушунтириб берадилар.

Дарс жиҳози: Дарслик, кўргазмали қуроллар.

Дарс услуби : суҳбат, ҳикоя, (оғзаки), кўргазмали, амалий (машқлар бажариш).

Таянч тушунча ва иборалар: ранг-тус, маза-таъм, шакл, ҳажм, ҳил - хусусият.

Дарсинг бориши

I. Ташкилий қисм

II. Асосий қисм

Ўтилган мавзунини сўраш

Ўқитувчи ўтилган мавзунини сўраш учун ўқувчиларга саволлар билан мурожаат қилади.

1. Сифат сўз туркуми деб нимага айтилади?
2. Сифат сўз туркуми қандай саволларга жавоб бўлади?
3. Сифатлар гапда қандай бўлак вазифасида келади? Уларнинг тагига қандай чизиқ чизилади:
4. Сифатлар отга қандай боғланади?
5. Сифатлар нимани белгисини билдиради?

Ўқувчилар саволларга жавоб бериб ,ўтилган мавзунини мустаҳкамлайдилар.

Янги мавзу баёни

Бугунги мавзумиз. Сифатларнинг маъно турлари

Ўқитувчи 7 хил рангдаги доирачаларни, мева ва сабзавотларни, турли хажм ва шаклдаги кубикларни олиб, уларнинг маъно турларини очиб берадилар.

Масалан: олма

Ранги: қизил

Шакли: юмалоқ

Ҳажми: кичик

Таъми: ширин

Хил- хусусияти: хушбўй

Бу усул кубик усули дейилади. Сифатлар шахс ва нарсаларнинг рангини, мазасини, шаклини, хажмини ва хил-хусусиятларини билдиради.

Ўқитувчи: Болалар ҳозир биз маъноси бир-бирига яқин сўзларни (фақат сифатга) айтамыз.

Гўзал бу сўзга маънодош сўзни айтинг

Гўзал, чиройли, кўркем;

Кенг, чексиз, бепаён;

Ботир, жасур, мард; - маънодош сўзлар.

Мавзуни мустаҳкамлаш.

286-машқ.

Кенг, тахир, оппоқ, жажи, бепаён, эгри, чексиз, қийшиқ, ботир, тор, ширин, жасур, думалоқ, ям-яшил, сахий, шўх, ақлли, қип-қизил.

Ранг-тус билдирувчи сифатлар	Маза таъм билдирувчи сифатлар	Ҳажм билдирувчи сифатлар	Шакл билдирувчи сифатлар	Хил- хусусият билдирувчи сифатлар
Оппоқ	Тахир	Кенг	Эгри	Ботир
Ям-яшил	Ширин	Бепаён	Думалоқ	Сахий
Қип-қизил		Чексиз	Қийшиқ	Ақлли
		Тор		Шўх
		Жажжи		Жасур

Маънодош сўзлар: кенг, бепаён, чексиз.

Ботир-жасур

Эгри-қийшиқ

287-машқ. Сифатларнинг маъно турларига мисол топиб, қаторларни давом эттиринг.

ранг-тус: қизил, оқ, қора, пушти

маза-таъм: нордон, аччиқ, тахир, ширин

шакл: айлана, тўтрбурчак, овал, эллипс.

Ҳажм: катта, кичкина, бепаён.

Хил-хусусият: мулойим, ақлли, ишчан.

288-машқ. Берилган отларга мос ранг билдирувчи сифатлар топиб бирикма тузинг.

Аччиқ қалампир, сариқ пиёз, қизил картошка, ширин помидор, катта карам, қизил лавлаги, серсув турп, нордон редиска, хушбуй кашнич, йирик буғдой.

Назорат иши.

1. Сифат сўз туркумига оид сўзларни топиб белгиланг.

а) машина, гул, сариқ.

б) оқ, ширин, катта, чиройли.

в) юрди, беш, оқ, дафтар.

2. Берилган гапларда қайси бирида жумла нотўғри тузилган?

а) Мен катта бўлганимда, боғчага бораман.

б) Гўзал ёмон қиз, шунинг учун уни ҳамма яхши кўради.

в) Биз бугун катта илонни кўрдик.

III. Яқуний қисм

Уй иши

289-машқ.

2.2. Кичик ёшдаги ўқувчилар билан синонимлар устида

ишлашда дидактик воситалар

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, сўз бойлигини ошириш, уларни мустақил билим олишга йўллашда, синонимларни ўрганишда дидактик воситалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Айниқса фан-техника тез суръатлар билан риволаниб, ўқувчиларга берилаётган билимлар ҳажми тобора ошаётган бугунги шароитда бу малакада муҳимроқ аҳамият касб этади. Ўқувчиларни билим олиш усулларига ўргатмай туриб, она тили яъни синонимлар устида ишлашни ҳал этиб бўлмайди.

Берилган сўзларни маъносига кўра турларга ажратиш натижасида улар бу сўз туркумига таъриф чиқариш имкониятига эга бўладилар.

Сўзнинг луғавий маъноси устида ишлаш нафақат сўз бойлигини оширади, балки нутқий малаканинг ҳосил бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига ҳам катта ёрдам беради. Ўқувчида мустақил ва ижодий фикрлаш, ўз фикрини ўзгаларга етказиш эҳтиёжи ҳосил бўлади. Ўқувчи ўз ғояси ва мақсадини ҳимоя қилиш учун курашади. Унда аниқ ихчам ва тушунарли сўхзлаш маҳорати шаклланади. Масалан, синонимларда ўрганишларда товушларга маънодошлар топиш. Мазкур йўналишда ишлаш ҳам ўқувчи сўз бойлигини ошириш ва бойитишда хизмат қилади.

1-топшириқ. Товушдош сўзлар топиш, уларга маънодошлар танлаш.

Инсон – инсоф

Шахс диёнат

Одам виждон

Киши адолат

Банда имон

Мўмин бурч

Мусулмон ҳақиқат

Сўзнинг маънодошларини топишўқувчи сўз хазинасини бойитадиган, нутқий малакасини шакллантирадиган муҳим омиллардан саналади. Бунда ўқувчига битта сўз берилиб, унга маънодошлар топиш талаб этилади.

Берилган сўзга маънодошлар танланг. Билимли, кулди, бет, ахил.

Билимли-илимли-ақлли-каллали, доно-зеҳнли, қобилиятли, иқтидорли.

2-топширик. Маънодош сўзлар иштирокида бирикма ва гаплар тузинг.

Бизнинг Ватанимиз тақдири илмли ва иқтидорли ёшлар қўлида.

Доно ўғил, билимли ўқувчи, донишманд чол.

Сўзни фразеологик нутқни гўзаллаштиришди кўркем ва қизиқарли қилишда муҳим омил саналади.

Топшириқ намунаси. Берилган сўзни фразеологик иборалар билан алмаштилинг. Улар ёрдамида гаплар тузинг.

Индамади-лом-мим демади

- оғзига сув солиб олди
- миқ этмади
- товуши ўчди
- нафаси ичига тушиб кетди
- хайкалдек қотди.

Ювош-қўй оғзидан чўп олмаган.

Шаклдош сўзларга маънодошлар топиш сўз бойлигини оширишда ва
ЭНГ қизиқарлидир.

Күлди ахил, инок чиройли одобли каби


Синонимларни ўрганиш жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Масалан, предмут номини ва маънодош сўзларни айтинг.

Катта стол,,,

Ишчан,,,,,,,,,,,,,

Доно,.....

Берилган сўзга синоним танланг.



Ватаи

--	--	--	--	--	--	--	--

3. дўст

Сўзларнинг синонимини топиш. Бунда сўзлар картонга ёзилган бўлади. Топилган синоним сўзларни ўқувчилар дафтарларига ёзиб борадилар. Бунда қуйидаги каби сўзларнинг синонимини топиш мумкин: гўзал, осойишта, узун, эл.

Сифат сўз туркуми ўтилганда ўқувчиларга кичик сахна кўриниш «Чол ва бола» намоиш этилади. Бунда уч ўқувчи чол ва боланинг уст боши, ранги, феъл-атвори ҳамда қиёфасига эътибор бериб доска тахтасига қуйидаги бирикмаларни ёзадилар.

1. хушфеъл чол, кекса киши, мункайган чол, оқ сақол.
2. Одобли бола, ақлли бола, хушфеъл бола.
3. Манман бола, ақлсиз бола.

Бошланғич синфларда сўз туркумларини ўрганишда машқлар билан бир қаторда синонимлар устида ишлашда, луғат бойлигини оширишга катта эътибор бериш, ўқувчиларнинг сўз маъноларини тушуниш учун тарқатма материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тарқатма материаллар карточкалари ўтилган мвзуларни такрорлаш билимларини тизимлаштириш мақсадида ишлатилади.

1 вариант. қуйидаги отлардан синонимик қатор тузинг.

Дангаса, ақлли, дўст.


2 вариант. қайси қаторда синонимлар тўғри кўрсатилган.

а) ишчан, ҳаракатчан, дангаса

б) мард, жасур, жасоратли

в) тўлин, қишин, келажак.

3 вариант. Синонимлар ясанг.



Бундай дидактик материаллар мустақил ишларни уюштиришда ва шундай мустақил ишлар воситасида ўқувчиларга мустақил, ишланиш, анализ ва синтез қилиш, тўғри хулосалар чиқариш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Тарқатма материаллар билан ишлашнинг афзаллиги шундаки, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг индивидуал билим даражасини, билимларни ўзлаштириш даражасини, уларнинг ҳар бир мавзу юзасидан ўзлаштирган билим даражаларини алоҳида тарзда қайд қилиб бориш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари тарқатма материаллардан фойдаланишда бўш ўзлаштирган ўқувчилар билан алоҳида ишлаш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини изчил равишда мураккаблаштириб бориш имконияти ҳам жуда кенг тарқатма материаллар ўқувчиларни билим олишларида катта роль ўйнайди.

1 вариант. Расмга қараб ўқувчининг кундалик ишлари ҳақида гаплар тузинг. Тузган гапларингизни расмлар тартибига мос ҳолда ёзинг.

Гапда иштирок этган ҳаракат маъносини билдирган сўзларни (феълларни) белгиланг. Синоним қатор тузинг.

2 вариант. Расмда кимларни ва нималарни кўраяпсиз? Болалар нима ҳақида маслаҳатлашяптилар? Сиз кубиклардан инмалар ясай оласиз? Сўзлардан синоним қатор тузинг (Она тили 3 синф. 158 бет).

Дидактик ўйинлар болаларнинг маънавий ва ахлоқий камолотида, уларнинг мукаммал инсон бўлиб камол топишида ғоят катта тарбиявий таъсир қудратига эгадир.

Дидактик ўйинлар таълим ва тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Дидактик ўйин таълим билан бевосита боғлиқ бўлиб, унга ёрдам беради.

Дидактик ўйин бу – бошланғич синф ўқувчиларининг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир.

Тажрибали ўқитувчи бу ўйиндан пассив ўқувчиларни жамоага аралаштириш, ҳар хил режалар, вазифасини кўрқмасдан бажаришлари учун фойдаланади.

Дидактик ўйинлар болаларнинг биргаликда ўйнаб, ўз манфаатларини жамоа манфаатларини жамоа фаоллари билан уйғунлаштира олиш, бири-бирига кўмаклашиши ва ўртоғининг мувоффақиятидан хурсанд бўлиши каби яхши муносабатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Ўйинлар шахснинг софдиллик, ростгўлик каби ижобий хислатлари шаклланишига ёрдам беради.

Дидактик ўйин болаларнинг амалий фаолияти ҳисобланади, чунки унда болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, дидактик ўйин болаларнинг ақлий фаолиятларини кучайтиради, олган билимлар ҳар хил усулда фойдаланишлари учун ҳаётий шароит яратиб беради.

Дидактик ўйинлар таълим жараёнини енгилроқ ва қизиқарлироқ қилади. Болаларга ёшларига мос, қизиқарли фаолият орқали ўйинлар амалга ошириладиган ақлий тарбия вазифасини жуда осон ва яхши ўзлаштирадилар.

Дидактик ўйинлар катталар томонидан болаларни ақлий ривожлантириш мақсадида яратилади. Унда ўйин элементлари қанча кўп бўлса, болаларга у шунча кўп қувонч бағишлайди.

Ҳар бир дидактик ўйинда ўйин мазмуни, ғоясидан келиб чиққан қоидалар бўлади. Унда қоиданинг мавжудлиги ҳаракат йўналишини ва ўйиннинг боришини белгилаб беради, болаларнинг ҳулқини ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатларини бошқариб, керак томонга йўналтиради.

2.3. Синов –тажриба натижалари

Биз Гулистон шаҳрида 16-сон мактабининг бошланғич 1-4 синфларида тадқиқот ишлар олиб бордик. Тадқиқот ишимизга 80 нафар ўқувчини жалб қилдик. Тадқиқотимизда қуйидаги вазифаларни амалга оширдик.

Сўз маъноларидан бири бўлган синонимлар бўйича бир неча восита ва усулларни ишлаб чиқдик.

1. Сўз туркумларини ичидан синоним сўзларни топиш. Унинг луғавий маъносини изоҳлаш.
2. Шаклдош сўзларга мисоллар топиш.
3. Нукталар ўрнига синоним сўзлани қўйиш.
4. Дидактик ўйинлар ўтказиш.
5. Компьютерда синоним ўйинларини ташкил этиш.
6. Гувиллайди, ахил, кулди, юз сўзларидан синоним қатор ташкил қилинг.
7. Синоним қаторлар ҳосил қилинг. мард, кулди, дуст каби.

4-синфда 26 ўқувчи 5 та гуруҳларга бўлинади. 1 гуруҳ «Қалдирғоч», 2 гуруҳ «Бургут», 3 гуруҳ «Севинч», 4 гуруҳ «Лочин», 5 гуруҳ «Ситора» сўнгра гуруҳ сардолари сайланди. Ҳар бир гуруҳ сардорига 2 тадан савол қўйилди. Ўқувчилар эркин бахс-мунозарага киришди.

Шу билан биргаликда оғзаки машқ бажарилди.

Тадқиқот давомида дидактик ўйинлар, сирли сўз ўйинлари, катакчани тўлдир каби ўйинлар ўқувчиларнинг сўз маъноларидан бири бўлган синонимларни тез ва осон топишда ёрдамлашди.

Ўқувчилар сифат мавзуси, от мавзуси бўйича берилган синоним сўзлардан бемалол синоним қатор туздилар. Грамматик ўйинлардан фаол иштирок этишди.

Ребус, кроссворд ўйинлари ўтаказилди.

Сифат – сўз туркуми бўйича сахна кўриниши тайёрланди.

Бунда тўртта ўқувчи иштирок этди.

Ҳар бир ўқувчи қўлига қалам, ручка гул берилди. Бунга таъриф берилиши сўралди. Ҳикоя тузиш ёки диалог нутқ қилиш мумкин.

Қани, ўртоқжон Тўлқин шу гулимга қандай сўзлар қўша оласан?

- Гул сўзига битта шеър айтчи. Гулни чамбарчас қилиб тақиб олади.

Гуллар кўп гулзорда,

Қани теринг-чи қизлар.

Қани айтинг-чи менга

Гулдан ҳам гўзал, чиройли, мафтункордир сўзлар.

Ўқувчилар жуда тез шеър тўқишга синоним қатор ҳосил қилишга ошиқдилар. Мавзуни тез ўзлаштирдилар.

Биз тестлар асосида савол-жавоб қилдик. Назорат синфи ўқувчилари ҳам бир мунча ўзлаштиришга эришдилар.

Юқоридагилардан хулоса чиқарган ҳолда тажриба ишларимизни куйидагиларга қаратдик.

1. Тажриба гуруҳларига 52 ўқувчи, назорат гуруҳларида 53 ўқувчини жалб этдик.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадик синонимлар бўйича топшириқлар тест асосида ўтказилди.

Тажриба гуруҳларида 78,2 фоиз ўзлаштиришга, назорат синфи эса 53, 4 фоиз ўзлаштиришга эришдилар.

Хулоса ва тавсиялар

Ҳар бир кишининг маданиятлиги унинг сўзи нутқи билан ўлчанади. Нутқ орқали кишининг ички дунёси қобиляти ҳам ойдинлашади.

Ана шундай нутқни ривожлантиришда лексикология сўз маъноси ҳақида ўқувчи тушунча ҳосил қилса нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етмак вақти келди.

Бизнинг фикримизча она тили 3-4 синфларда «Сўзнинг шакл ва маъно» муносабатларига кўра турлари алоҳида мавзу бўлиб ўрганиш маъқул. Лекин сўз маъноларидан бири бўлган синонимлар сўз туркумларини ўрганишда машқ ичида берилган. Биз эса ўқувчиларнинг синонимлар ўрганишда етарли эмас.

Биз бошланғич синфларда эътиборни асосан, болаларнинг сўз бойлигига, луғатига қаратмоғимиз лозим. Мактабда луғат устида ишлаш, синонимлар устида ишлаш, синонимлар устида ишлашни шундай уюштириш керакки, натижада уўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Синонимлар устида ишлаш, биринчидан, ўқувчига таълим-тарбиявий таъсир кўрсатади, унинг фикр доирасини кенгайтиради, иккинчидан, ўқувчини янги-янги сўзлар билан таништиради, айрим сўзларнинг маъносини конкретлаштиради, тилимизнинг бой, нафис эканлигини кўрсатади, ҳар қандай фикрни ифода қилиш учун сўз бойлигимиз етарли эканлигини исботлайди; учиндан она тили дарсларида синоним устида машғулот олиб борилад экан, маълум мақсадни кўзлаб мунтазам равишда луғат устида ишлашни ҳам унитмаслик талаб қилинади.

Бошланғич синфларда синоним ҳақида назарий маълумот берилмайди, аммо синонимлар ҳақидаги тушунча амалий машқлар ёрдамида шакллантирилади.

Синонимлар устида ишлаш элементар тарзда 1-синфдан бошланади; ўқувчилар берилган сўзнинг синонимини топишга, 2-3 синфларда берилган сўзнинг синонимини топишга ўргатилади.

Сўз туркумларини ўрганишда сўз маъноларини берилган машқда топиш, берилган гапда нуқталар ўрнига синоним сўзларни қўллаш, синоним қаторлар ҳосил қилиш мумкин.

Бошланғич синфларда синонимларга оид машқлар: берилган синоним сўзларни гурухлаш берилган сўзга синоним танлаш, тушуриб қолдирилган синоним сўзларни ўз ўрнига қўйиб матнни кўчириш, синонимлардан мосини қўйиб гапларни кўчириш, дидактик материаллар билан ишлаш ўқувчиларни синоним билан ишлашда катта аҳамиятга эга.

Синонимлар ўрганишда қуйидаги тавсиялар бермоқчимиз:

1. Синонимларни ўрганишда машқлардан фойдаланиш.
2. синонимларни ўрганишда технологик ёндашув.
3. луғат устида ишлаш.
4. синонимларни ўрганишда муаммоли вазият яратиш.
5. синонимларни ўрганишда дидактик воситалардан фойдаланиш.
6. логик машқлардан фойдаланиш.

Логик машқлар болаларнинг предмет ва атроф-муҳит ҳақидаги билимларини тартибга солиш ва уларга тўғри фикрлаш усулларини ўргатади.

Логик машқларнинг вазифаси у ёки бу предмет ва ҳодислар билан танишиш асосида болаларни предмет ва ҳодисалардан муҳимлигини умумийсини ажратишга, сўз билан аниқ ифодалашга ўргатиш, болаларга мантикий усуллар тизимини ўргатиш билан билимини материаллар томондан бойитиш ва уни ақлий томондан ўстириш ҳисобланади.

Логик машқлар болаларнинг сўз бойлиги ва тилининг умумий ўсишида катта аҳамиятга эга бўлиб, луғат иши ва тилга оид бошқа ишлар билан боғлаб олиб борилади.

Синонимлар бир-биридан қўшимча маъно оттенкаси, эмоционал бўёғи қўлланиш жиҳатидан ўзаро фарқланади. Синнимлар тилни лексик томондан бойитади, шунинг учун синоним билан ишлаш мўҳим, луғатда синонимлар қанча кўп бўлса, тилнинг ифодалилиги шунча ортади.

Синонимлар талаффузи, ёзилиши ҳар хил бўлган бир умумий тушунча ифодаляйдиган сўзлардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., Шарқ. 1998. 9-б.
2. Асқарова М, ва бошқалар. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Т., Ўқитувчи. 1982, 115-118 б.
3. Зиёдова Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда коммуникатив жадваллардан фойдаланиш. Т., 2002. 11-14 б.
4. Икромов Д, Ғуломов Х, ва бошқалар. Она тили. Т., Ўқитувчи. 2003.
5. Менглиев Б. Она тили дарсларида сўз маънолари таҳлили. Халқ таълими. 6-сон. 2000. 103-105 б.

6. Назиржонова Ф, Миртемир шеъриятида синонимларини қўлланилиши. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. Т., Фан. 168-173 б.
7. Нурманов А, Расулов Д. Ўзбек тили жадваллардан. Т., Ўқитувчи. 1993. 30-б.
8. Расулов Р., И. Умиров. Ўзбек тилида синоним парафразлар туркий тилларнинг таракқиёт муаммолари. Т., Фан. 1985. 14-15 б.
9. Рўзиева Ў.Ш. тизимли ёндашув. Бошланғич таълим. 2002. 1-сон.18-19 б.
10. Саидов Э, Набиев Т. Нутқ ўстиришда синонимлардан фойдаланиш. Тил ва адабиёт таълими. 1994. 2-3 қўшма сон. 21-22 б.
11. Тожиев А. ва бошқалар. Ўзбек нутқи маданияти ва услибият асарлари. Т. Ўқитувчи. 1994. 108-112 б.
12. Фузаилов С, Худойбергана М. Она тили 3 синф учун. Т., 2003.
13. Шамсиддинов Х. Синонимларда миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига ўтиши. Халқ таълими. 6-сон. 1997. 112-116 б.
14. Эгамбердиева Ш. Маънодош сўзларни қўлланилиши. (Ғ. Ғулом шеърий асарларини тилини ўрганиш). Т., Ўқитувчи. 1990. 19-26 б.
15. Қосимова К. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. Т., Ўқитувчи. 1985, 186-187 б.
16. Ғуломов А. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. Т., Ўқитувчи. 1992. 6-72-92 б.
17. Ғаффорова Т., Ш. Нуруллаева, О. Ҳайдарова. Бошланғич синфлар учун она тили ва ўқишдан дидактик материаллар. Т., 2004. 3-77 б.
18. Хожиев А. Ўзбек тили синонимларини изоҳли луғати. Т., Ўқитувчи. 1974.
19. Ҳамроева А. Она тили таълимидан нутқда нутқдан тилга қараб бориш тамойили. ТДПУ. 2003. 18-25 б.

20. Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. Т, 2003. 35-36 б.

Интернет материаллари:

1. Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иктисодиёт,фан ҳамда таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан интернет халқаро алоқалар тизимидан фойдаланиш ишимизнинг янада сифатли бўлишига ёрдам беради:
2. [http FF bolalar sarkor. uz](http://FF.bolalar.sarkor.uz)-болалар оммабоп информацион саҳифаси. Болаларга фойдали ва қизиқарли бўлган турли маълумотлар келтирилган (18).
3. [http: www referat.uz](http://www.referat.uz)-Турли фанлардан рефератлар тўпламига бой саҳифа. Ўқувчиларга жуда фойдали маълумотлар келтирилган(19)
4. [http: FF www. online bi](http://FF.www.online.bi)-Информацион саҳифа бўлиб, унда деярли ихтиёрий мавзудаги маълумотларни топишингиз мумкин (20).